



PUPPET - NOT A TOY *

Berdimurodov Islom ¹

¹ Uzbek State Institute of Arts and Culture Specialty in acting (puppet theater acting)

2-year master

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4768714>

ARTICLE INFO

Received: 5th May 2021
Accepted: 10th May 2021
Online: 15th May 2021

KEY WORDS

theatrical art type, inside a tent or behind a curtain

ABSTRACT

This article briefly discusses the peculiarities, origin and formation of puppet theater, its educational significance

ҚЎҒИРЧОҚ-ЎЙИНЧОҚ ЭМАС*

Бердимуродов Ислон ¹

¹ ЎЗДСМИ Актёрлик санъати (қўғирчоқ театр актёрлиги санъати) мутахассислиги

2-курс магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 5-May 2021
Ma'qullandi: 10-May 2021
Chop etildi: 15-May 2021

KALIT SO'ZLAR

teatr san'ati turi, chodir ichida yoki parda orti

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада қўғирчоқ театр санъатининг ўзига хос жиҳатлари, келиб чиқиши ва шаклланиши, тарбиявий аҳамияти хусусида қисқача сўз юритилади.

Ер юзида эртанги куни, авлодлари тақдири ҳақида қайғурмайдиган бирон халқ бўлмаса керак. Айниқса, ўзбек ўзи емаса ҳам, киймаса ҳам фарзанди учун ҳаракат қилади. Мақсади битта: уни соғлом вояга етказиб, эл қаторига қўшиш, камолини кўриш. Жажжи ўғил-қизларимиз дунёни англаши, тасаввур олами кенгайиши, сўз бойлигининг шаклланишида эса болалар ўйинчоқлари муҳим ўрин тутди. Хунармандларимиз томонидан ясалган миллий қўғирчоқлар кизалоқларда ибодат, ҳаё, андиша туйғулари шаклланишига, ўғил болаларнинг мардлик, жасурлик, ҳалоллик каби фазилатлар руҳида улғайишига қўмаклашади. Чунки ўйинчоқлар образи бола тасаввурида бир

умр сақланиб қолади. Миллий руҳ билан суғорилган ўйинчоқлар фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашга ёрдам беради. Янги туғилган чақалокнинг онаси донишманддан сўрабди. "Боламнинг туғилганига бир ҳафта бўлди, тарбиясини қачондан бошласам тўғри бўлади?". Шунда донишманд "болангизнинг туғилганига бир ҳафта бўлган бўлса, демак бир ҳафтага кечикибсиз, бўтам" - деб жавоб қилган экан. Ушбу ривоят кўпчиликка маълум. Бола тарбияси ҳақида гап кетганда уни ўқтин-ўқтин эслаб тураемиз. Демак, бола ота-онага, юртига содиқ яхши инсон бўлиб вояга етиши учун уни бешиқдан, балки ундан ҳам олдинроқ



тарбияламоқ лозим. Турли даврларда бу учун турлича йўл тутганлар. Наслга алоҳида зътибор қилганлар, ахлоқий, илмий-маърифий таълимга зўр берганлар.

Юртимиз мустақилликка эришганидан бошлаб халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд кўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Юксак касб эгалари деб қараладиган театр ижодкорлари зиммасига икки баробар масъулият юклади. Маънавият ва маърифатдан сўзлаш учун театр энг асосий маскандир. Келган ҳар қандай ёшдаги томошабин ўзи учун қандайдир оламни яратиб, ўз саволларга жавоб топиб кетади. Демакки, бугунги кундаги театримиз зиммасига мулоҳазали ва ҳар жиҳатдан юксак бўлган ходимларнинг иш кўрсатгичи керак. Зеро, иш натижаси инсонлар онгини маънавият оҳанграбоси билан сеҳрлаб қўйсин.

Ҳозирги кунда Республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-маънавий ислоҳотлар, фан-техника ва ишлаб чиқариш кескин ривожланиб бораётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шундай экан бугунги кунда жамият талабларига ҳар томонлама жавоб бера олувчи шахсни тарбиялаш бизнинг олдимизга қўйилган энг олий вазифалардан бири. Дарҳақиқат, келажак пойдевори бўлган, ҳар жиҳатдан масъулиятли, маънавий етук, ахлоқан пок, бир сўз билан айтадиган бўлсак жамият тараққиёти учун муносиб ҳисса қўша оладиган ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай шахсни тарбиялаш албатта болаликдан бошланади.

Бу каби тарбия ишида эса, кўғирчоқ театрларининг ҳиссаси ва вазифаси каттадир. Ҳозирда болаларга маънавий ҳамда маданий озуқа бериб келаётган, миллий анъаналар асосида саҳналаштирилаётган томошалар орқали миллий ғурурни сингдираётган, ёш авлодга таълим-тарбия бераётган, нима яхши-ю нима ёмон, қандай дўст бўлиш керак, ота-онага ҳурмат, ватанни, она юртни, ўз уйини қандай севишга ўргатаётган театр бу - кўғирчоқ театри.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳар бир соҳада янгидан янги изланишлар, инновацион ғоялар илгари сурилмоқда ва маълум маънода амалга оширилмоқда. Хўш кўғирчоқ театрида қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни бекиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади.

Албатта, ўйинчоқ, кўғирчоқ бола учун оддий бир овунчоқдек туюлади. Аммо ўша кўғирчоқ аслида ўсаётган ёш авлод тарбиясида жуда муҳим восита ҳисобланади. Шу боисдан, бу йўналиш алоҳида санъат тури сифатида тарихдан шаклланган. Бир қарашда оддий бир овунчоқ вазифасини ўтовчи кўғирчоқлар ёрдамида томошалар ташкил этилиб, спектакллар намойиш этилади. Спектаклларда ҳар хил эртак



қахрамонлари, жониворлар, ҳаётий қахрамонларнинг бадиий образларда жонланиши, уларнинг ҳар хил вазиятларга тушиши ва ўша вазиятда қандай йўл тутиши жажжи томошабинлар учун ҳам кизиқарли ҳам уларни дунёқарабини шаклланишига хизмат қилувчи муҳим омил бўлади. Шунинг учун келажак авлодни давримизга муносиб кишилар қилиб тарбиялашда кўғирчоқ театрларининг ўрни катта. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, кўғирчоқ театрларининг олдида бир қатор муҳим вазифалар бўлиб, улар аввало, болаларни театрлаштирилган эртақ асосида ахлоқий сифатларини тарбиялаш, уларни меҳрли, кечиримли, одобли ва аҳл бўлишга ўргатади.

Айтиб ўтиш ўринлики, кўғирчоқ театри санъати ҳам узоқ ўтмишга эга театр санъати турларидан бири ҳисобланади. Бир қарашда жўн кўринган томоша негизида аслида катта маъно ётади. Чунки, бундай томошалар асосан онг ва тафаккури, “ички мени” энди шаклланаётган болалар учун намоиш этилади. Бу эса ўз-ўзидан жамиятнинг шаклланишига даҳлдорликни белгилайди. Яъни, болалар айнан кўрганидан ва эшитганидан тарбия олади. Шу сабабли санъатнинг ушбу йўналишида ижод қилаётган жамоанинг масъулияти каттадир.

Умумий олганда, “театрнинг мукамал мураккаб жанри бўлмиш драмадан олдин унинг бошланиши, куртаги бу кўғирчоқ бўлган. Умуман олганда, ушбу санъат тури орқали катталар ва болалар руҳиятига таъсири муҳим аҳамият касб этиши хусусида эрамиздан аввал яшаб ўтган Геродот, Марк Аврелий, Аристотел каби қадимги тарихчи, қомусий алломаларнинг ҳам асарларида келтирилган. Жумладан,

қадимиятнинг даҳо мутаффакири Аристотел ўзининг машҳур “Поэтика” асарида тасвирлаш усуллари ҳақида шундай дейди. “Поэтик санъатнинг келиб чиқишиша очиқдан-очиқ иккита сабаб бўлиб, иккаласи ҳам табиийдир. Жумладан, тақлид, ўхшатиш инсонга болалиқдан хос бўлган хусусият. Инсон бошқа жонли мавжудотлардан ўхшатиш қобилиятига эга эканлиги билан ҳам фарқланади, ҳатто дастлабки билимларни у ўхшатишдан олади ва бу жараён самаралари барчага хузур бағишлайди”¹. Албатта бу қоидаларни нафақат маълум соҳавий йўналишга асос бўлиши мумкин, балки, бу “ҳаётнинг олтин қоидаси” ҳам ҳисобланади, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Дунёнинг барча қитъаларида кўғирчоқ театрининг ўзига хос анъаналри мавжуд бўлиб, улар бир неча асрлик тарихга эга ҳисобланади. Уларда, жумладан, марионетка (иплар ёрдамида бошқариладиган кўғирчоқ), петрушка(кўлқоп сифатида кўлга кийиладиган кўғирчоқ), механик тарзда бошқариладиган кўғирчоқлар, шунингдек, планшетли, яъни, очиқ тарзда ўйнатиладиган ва сояси тушириладиган кўғирчоқлар дунёнинг барча ривожланган кўғирчоқ театрларида кўлланила бошланган. Барча давлатлар, жумладан, Европа, Осиё, Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг театрларини шаклланишида миллий дostonлар, халқ оғзаки ижодига асосланган эртақлар, афсоналар дастлаб ҳазил ўйинларини асосини ташкил қилган. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу санъат тури ўзининг шаклланиш жараёнида маълум бир

¹ Арасту. Поэтика. Тошкент. Янги аср авлоди-2011.23-бет



худудларга хос бўлган одат ва анъаналарни ҳам ўзида мужассам этган “Кўғирчоқ театри тарихи” кўлланмасида келтиришича, “Ўзбек кўғирчоқ театрининг вужудга келишини олиб қараганимизда, бунда икки манба муҳим ва ҳал қилувчи рол бажарганини кўрамиз. Биринчи манба Ўзбекистон худудида яшаган қадимги, анимистик эътиқодга таянувчи халқларнинг марҳумни элаш маросимидир, деб ҳисобланади. Мазкур маросимга кўра, ўлган кишининг энг яқин одами унинг ниқобини ясаб кияди ва марҳумни ҳаракатлари, нутқи, муомалаларини тиклашга уринади. Ниқоб баъзан бошга кийилмасдан, кўлда ушланганича ҳаракатлантирилган. Бундай пайтда “ижрочи” ҳам марҳум, ҳам “ўз ролини” бажарган ва ўзига хос диолог ҳосил қилган. Ушбу маросим ўзбек кўғирчоқ театрининг пайдо бўлиши учун замин тайёрлаган.”²

Бу каби маълумотларга таяниб айтиш жоизки, анъанавий кўғирчоқ театримиз узоқ ва бой тарихга, шунингдек, турлича қиёфаларга эга. Зеро, М. Қодиров таъбири билан айтганда. “Осиё кўғирчоқ театри –бу шунчаки эрмак, ўйин эмас, бальки, бир қитъа халқларининг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусиқаси, фолклори, тасвирий санъати ва албатта тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий бадиий ходисадир.”³ Алббата, санъат бу ижтимоий ходисадир. Жумладан, кўғирчоқ театри санъати ҳам. Санъат ва санъаткорлар доим ижтимоий мавжуд олам билан қадам-бақадам бўлишган. Халқнинг оилавий-маиший ҳаёт тарзи, ахлоқ-одобга чорловчи ҳаётий йўл-йўриқлари, ибратли, мазмунга

тўлиқ оғзаки ижод намуналари авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, такомиллашган чинакам бадиият намуналари ҳамдир. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, халқ ижодкорлари нуқтаи назарича, инсон бу ёруғ дунёга ёмон одам сифатида келмайди. Унинг ёмон ёки яхши одам бўлиб шаклланиши оила тарбияси, маҳалла-кўй, лўнда айтганда, жамиятдаги мавжуд муҳит туфайли юзага келади. Бинобарин, бола аввал бошдан тўғри тарбия билан вояга етишади. Агар халқимиз ҳаётидаги турли маросимлар, расм-русумлар, анъаналарнинг ташкил этилишига чуқурроқ разм солсак, ишонтириш, исботлаш, намуна кўрсатиш, таъсир этиш, тасдиқлаш каби педагогик усуллар орқали баркамол инсонни тарбиялаш пировард мақсад қилиб олинганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу каби хусусиятлар эса бевосита кўғирчоқ театри ижодкорлари эътиборида бўлади ва уни сахнада гавдалантирадилар.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ойнага қараб ўз аксини кўради. Ўзида кераксиз, хунук деб билган жиҳатларни йўқотишга урунади. Ёш авлод бу каби кўзгуни эмас театр каби ойна қаршисида турмоғи шарт. Ақлий ўсиш, ютуқ баркамоллик каби юксак хислатларни театр унга акси сифатида кўрсатиши шарт. Ёмон одатлар жумладан ўғирлик, ёлғон ишлатмаслик ҳар хил ёд оқимларга кириб кетмаслик каби маънавийнинг кушандаларидан асрамоғи шарт. Театр ана шу кўзгуни ўзида яратиб болажонларга маънавият ва марифат ашуласини улар тушунадиган тилда етказиб бериши муҳимдир. Қай маънода айтиш керак бўлса бу театрининг юраги бўлмоғи керак.

² Қодиров М, Қодирова С. Кўғирчоқ театри тарихи.- Тошкент. Талқин 2006. 17-бет

³ Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. Тошкент. Янги аср авлоди, 2006 7-бет



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Арасту. Поэтика. Тошкент. Янги аср авлоди-2011.
2. Қодиров М, Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи.-Тошкент. Талқин 2006.
3. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. Тошкент. Янги аср авлоди,